

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ А Ж Р И М И

2021 йил сентябрь ойининг 21 куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, суд биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: ХХХ,

ҳайъат аъзолари: ХХХ ва ХХХлардан иборат таркибда, ХХХнинг котиблигида, адвокат ХХХ ва тарафларнинг иштирокида, даъвогарлар ХХХнинг жавобгар ХХХга нисбатан жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судининг 2021 йил 14 апрелдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 2 июлдаги ажримига нисбатан жавобгар ХХХ келтирган кассация шикоятни фуқаролик иши асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар ХХХ судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда Жавобгар ХХХдан унинг фойдасига 22.009.089 сўм моддий зарар ва 5 500 000 дафн харажатлари, 100.000.000 сўм маънавий зарар ундиришни сўрашган.

Фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судининг 2021 йил 14 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгар ХХХдан даъвогар ХХХларнинг фойдасига жами 75.282.114 сўм ундирилган.

Жавобгар ХХХдан давлат даромадига 1.101.284,56 давлат божи ундирилган.

Тошкент вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 2 июлдаги ажримига асосан суднинг ҳал қилув қарори қисман ўзгартирилиб, Жавобгар ХХХдан даъвогар ХХХларнинг фойдасига дафн маросими учун 500.840 сўм, автомашинага етказилган моддий зарар учун 14.782.114 сўм ҳамда маънавий зарар учун 60.000.000 сўм, жами 75.282.954 сўм ундирилган.

Жавобгар ХХХдан давлат даромадига 1.101.318,16 давлат божи ундирилган.

Жавобгар ХХХ келтирган кассация шикоятда, суд ҳужжатларини бекор қилиб, даъво талабини рад этишни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича маърузани, тарафлар ва адвокатнинг тушунтиришларини тинглаб, шикоятдаги важларини иш ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 12-сонли қарорининг 3-бандига биноан ҳал қилув қарори, у процессуал ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилинган ҳолда ва ушбу ҳуқуқий муносабатга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган моддий ҳуқуқ нормаларига мос равишда қабул қилинган, зарур ҳолларда қонун ўхшашлиги ёки ҳуқуқ ўхшашлигини қўллашга асосланган бўлсагина, қонуний ҳисобланади.

Иш ҳужжатларига кўра, 2017 йил 12 июн ХХХ ишончнома асосида “Газ-5227” русумли, давлат рақамли белгиси 10 V 933 ЕА бўлган транспорт воситасини Ўртачирчиқ туман ҳудудидан ўтган “Авангард-Ўртасарой” автомобиль йўлида “Хумо” кўчасининг иккинчи даражали йўлда бўла туриб, асосий йўлга ҳаракатланиб чиқиши оқибатида, ўзини йўли бўйлаб ҳаракатланиб келаётган 1996 йилда туғилган Абдижалилов Бахтжон бошқарувида бўлган “Матиз” русумли автомашинани олди чап бурчагига уриб юбориб, йўл транспорт ходисасини содир қилган, натижада ХХХ воқеа жойида вафот этган.

Жиноят ишлари бўйича Ўртачирчиқ туман судининг 2020 йил 20 майдаги ҳукмига кўра, ХХХ ЖКнинг 266-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилган ва унга тегишли жазо чораси қўлланилган.

Шунингдек, Тошкент вилояти ИИББ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг 2019 йил 5 декабрдаги жиноят ишини бир қисмини тугатиш ҳақидаги қарорига кўра, йўл транспорт ходисаси марҳум ХХХнинг ҳам айби билан яъни, у томонидан “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг, яъни 77-банди ва 78-банди талабларини кўпол равишда бузганлиги оқибатида йўл транспорт ходисаси содир бўлганлиги натижасида 1997 йилда туғилган ХХХни ўлимига ва 1993 йилда туғилган Е.Маликовни “оғир” ҳамда 1996 йилда туғилган ХХХни “оғир” тан жароҳати олишларига сабабчи бўлган ҳаракатларида ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми аломатлари мавжудлигини, бироқ ХХХнинг вафот этганлиги сабабли, жиноят ишини унга нисбатан ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 3-бандига асосан тугатилган.

Х.Сулаймонова номидаги РСЭМнинг 2020 йил хулосасига биноан, “Матиз” автомашинасининг тормози, “Газ-5227” автомашинасини суриб юборган масофаси ва тўқнашувдан кейин тормозсиз ўтиб тўхтаган масофалари бўйича “Матиз” автомашинасининг ҳаракат тезлиги 93,8-108,1 км/соатдан юқори бўлган ҳамда “Матиз” автомашинасининг ҳайдовчиси ўз ҳаракат йўналишида тўғрига ҳаракатланиб тормозланиш орқали ҳодисани олдини олиб қолиш техник имкониятига эга бўлганлиги, ушбу вазиятда “Газ-5227” автомашинасининг ҳайдовчиси тормоз бериш йўли билан мазкур тўқнашувни олдини олиш техник имкониятига эга бўлмаганлиги тўғрисида хулоса берган.

Аниқланишича, даъвогар ўғлининг дафн маросими учун гўрковга 300.000 сўм, ҳайдовчига 200.000 сўм жами 500.000 сўм сарф ҳаражат қилган.

“Business expert” МЧЖ баҳолаш марказининг 2017 йил 19 июлдаги 07/083-сонли хулосасига кўра, тўқнашув натижасида давлат рақам белгиси 10 G 351 ОА бўлган “Матиз” русумли автомашинага 14.782.114 сўм моддий зарар етказилганлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 999-моддасига мувофиқ, зарарни тўлаш мажбурияти ошиқча хавф манбаига мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқарув ҳуқуқи ёхуд бошқа ҳар қандай қонуний асосда (мулкий ижара шартномаси, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган ишончнома, тегишли органнинг унга ортиқча хавф манбаини топшириш тўғрисидаги фармойишига кўра ва ҳоказо) эгалик қилувчи юридик шахс ёки фуқарога юкланади.

Ошиқча хавф манбаининг эгаси шу манба етказган зарар учун, агар манба эгасининг тасарруфидан бошқа шахсларнинг ғайриҳуқуқий ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида чиқиб кетганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди. Бундай ҳолларда ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик манбани ғайриҳуқуқий эгаллаб олган шахснинг зиммасида бўлади. Бу манбани эгасининг тасарруфидан ғайриҳуқуқий тортиб олишда эгасининг айби бўлган тақдирда, жавобгарлик унинг эгасига ҳам, ошиқча хавф манбаини эгаллаб олган шахсларга ҳам юкланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1021-моддасига биноан, маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади.

Иш ҳолатлардан кўришиб турибдики, ХХХ йўл ҳаракати қоидаларини қўпол тарзда бузиб, йўл транспорт ҳодисаси содир қилиб, даъвогарнинг ёлғиз ўғли ХХХнинг вафот этишига сабабчи бўлиб, даъвогарга моддий ҳамда унга жудда катта руҳан ва маъна зарар етказган.

Судлар инстанцияси ушбу қонун талабидан келиб чиқиб, ХХХнинг содир этган жиноий ҳаракатлари иш ҳужжатлари билан ўз исботини топганлигини, мазкур йўл транспорт ҳодисаси натижасида ХХХнинг вафот этганлигини, шунингдек бунинг оқибатида даъвогар моддий зарар ҳамда маънавий азоб кўрганлигини инобатга олиб, жавобгардан автомашинага етказилган моддий зарар учун 14.782.114 сўм ҳамда маънавий зарар учун 60.000.000 сўм даъвогарларнинг фойдасига ундириб қонуний ва асосли хулосага келган.

Апелляция инстанцияси “Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси”нинг 2021 йил 29 июндаги маълумотномасини эътиборга олиб, суднинг ҳал қилув қарорини даъвогарларнинг фойдасига 500.000 сўм ундириш ҳақидаги қисмини ўзгартириб, жавобгардан даъвогарларларга марҳумнинг дафн маросими учун сарфланган 500.840 сўмни ундириш хусусида асосли хулосага келган.

Судлов ҳайъати жавобгарнинг марҳум ХХХни айби билан ҳам “Йўл ҳаракати қоидалари” қўпол равишда бузилиб, йўл транспорт ҳодисаси содир бўлганлиги ҳамда унинг моддий аҳволи оғирлигини ва “Газ-5227”

автомашинасини эгаси ва ўғли оғир хасталикка чалинганлиги сабабли даъвогарларнинг моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво талаблари рад қилиниши лозим деган важи билан келишмайди. Чунки, жавобгарнинг ғайриқонуний ҳаракати оқибатида йўл транспорт ходисаси содир бўлиб, натижада воқеа жойида марҳум ХХХ вафот этганлиги суднинг ҳукми ўз исботини топган. Марҳум ХХХнинг “Йўл ҳаракати қоидалари”ни бузганлиги жавобгардан моддий ва маънавий зарарларни тўлашдан озод қилмайди. Қолаверса, марҳум ХХХнинг “Йўл ҳаракати қоидалари”ни бузганлиги унинг автомашинасида бўлган шахсларга ҳуқуқий оқибат келтириб чиқаради. “Газ-5227” автомашинасини эгаси ва жавобгарнинг ўғли оғир хасталикка чалинган бўлса-да, ундан моддий ва маънавий зарар ундирилмаган.

Шунингдек, даъвогарларнинг ёлғиз ўғли вафот этган бўлиб, уни ўрнини бирор-бир моддий қиймат билан қоплаб бўлмайди. Судлар оқилоналик ва адолатлилик талаблари ҳамда жавобгарнинг даъвогарларга етказилган моддий зарар ва маънавий азобларнинг хусусияти ҳисобга олинган ҳолда баҳоланиб, даъво қисман қаноатлантириш тўғрисида қонуний ва асосли хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 419-моддаси, 1-бандига асосан кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни ўзгаришсиз, кассация шикоятини (протестини) эса қаноатлантирмасдан қолдиришга ҳақли.

Судлов ҳайъати юқорида баён қилинган қонун ва ҳолатларга биноан жавобгар ва унинг адвокати келтирган важларини инкор қилиб, апелляция инстанцияси суди ҳужжатини ўзгаришсиз, кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 419-моддасини қўллаб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Мазкур иш юзасидан қабул қилинган Тошкент вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 2 июлдаги ажрими ўзгаришсиз, кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи: XXX

Ҳайъат аъзолари: XXX

XXX